

HUQUQ

20

(439)

YURIDIK GAZETA

May

D.	1	8	15	22	29
S.	2	9	16	23	30
Ch.	3	10	17	24	31
P.	4	11	18	25	
J.	5	12	19	26	
Sh.	6	13	20	27	
Y.	7	14	21	28	

2006

WWW.HUQUQ.UZ. E-mail: Info@huquq.uz



Кеча пойтахтимиздаги «Ўзэкспомарказ»да 10-юбилей халқаро «Нефть ва газ» кўргазмаси очилди. Кўргазмада хорижий кўлаб компаниялари, юртимизнинг нефть ва газга ихтисослашган компаниялари ҳам иштирок этишмоқда. Кўргазма 18 майгача давом этади.

A.Тўраев олган сурат.

Reportaj

Иккинчи мuddатга сайланди

Фаргона шаҳридаги бизнес мактабда 9 та кўчанинг 762 хонадони кўрсатган 100 га яқин вакил, шаҳар ҳокимлигининг маҳалла фуқаролар йиғини оқсоқоллари ва маслаҳатчилари сайловини ўтказишга кўмаклашувчи комиссияси, сайловга тайёргарлик гуруҳи аъзолари жам бўлишди. Кўрсатилган 100 нафар вакилдан 97 нафари иштирок этаётгани қайд этилиб, маҳалла фуқаролари вакилларининг йиғилишини очиш таклиф қилинди.

Сайлов қонун-қоидага мувофиқ аввало йиғилиш раёсати, раиси, котиби, санок комиссияси аъзолари сайланди. Сўнг ваколат мuddати тугаган ушбу «Янгийўл» маҳалла фуқаролар йиғини раиси Лолахон Маҳмудова икки ярим йиллик фаолияти тўғрисида хисобот берди.

Маҳалла фуқаролар йиғини тафтиш комиссияси раиси молиявий-ҳўжалик фаолияти тўғрисида ахборот бериб, ажратилган барча маблағ ўзи ўрнида, қонуний сарфланганини таъкидлади.

Сўзга чиққан фуқаролар ваколат мuddати тугаган фуқаролар йиғини фаолиятини қониқарли баҳолашни таклиф қилишди. Ушбу таклиф кўпчилик овоз билан маъқулланди.

Шундан сўнг сайлов ўтказишга кўмаклашувчи комиссия раиси амалдаги қонунлар буйича раис ва маслаҳатчиларнинг вакиллар йиғилишида сайланиш тартибини баътафсил баён қилди. Ҳар бир вакил маҳалладошлари номидан овоз беришини, бу ишга ўта масъулият билан ёндашиши зарурлигини ўқитди. Йиғилиш раиси сайловни яширин, яъни номзодлар кўрсатилган бюллетенларни тарқатиш ёки оқиқ овоз бериш йўли билан ўтказиш хусусида таклиф киритишларини сўради. Вакиллар оқиқ овоз беришни таклиф қилишди ва уни кўпчилик овоз билан маъқуллади.

Маҳалла фуқаролар йиғини раислигига уч номзод — шу маҳаллада яшовчи вилоят «Қишлоқхўжаликмиб» корхонаси мутахассиси, 38 ёшли Бахтиёржон Пулатов, вилот ИИБ ахборот маркази бўлими бошлиғи, 44 ёшли Фағуржон Фозилов ҳамда аввалги мuddатда раис бўлган 59 ёшли ўқитувчи Лойлахон Маҳмудовалар кўрсатилган эди. Б.Пулатовнинг ишхонасидан узоқ мuddатли хизмат сафарига жўнатилгани тўғрисида номзодини қайтариб олиш тўғрисида қолдирилган хати ўқиб эшиттирилди. Қолган номзодлар ўз сайловлида дастури билан яна бир бор таништиришди. Л.Маҳмудова маҳалладош ишсизлик муаммосини ҳал этиш, тадбиркорлиги кенгайтиришга оид режаларига алоҳида ургу берди.

Ф.Фозилов маҳалла фуқаролар йиғини фаолиятидаги айрим кам-

чиликларни танқид қилиб, мабодо раисликка сайланса асосий эътиборни жиноят ва ҳўққубузарликларнинг олдини олишга қаратишини ўқитди.

Алифбо тартибда биринчи бўлиб Л.Маҳмудованинг номзоди овозга қўйилди. Маҳалла ахли вакилларининг қарийб барчаси уни раис этиб сайлашни ёқлаб овоз беришди ва у иккинчи мuddатга фуқаролар йиғини раиси лавозимига сайланди. Шундан сўнг вакиллар йиғилишига тавсия этилган маҳалла маслаҳатчиларининг номзодлари бирма-бир муҳокама қилиниб, оқиқ овоз бериш йўли билан сайландилар.

Раис лавозимига номзоди кўрсатилган Ф.Фозилов сайловлида дастурида диққатга сазовор сўзларни айтди: «Шу пайтгача бу иш ҳақида юзак тасаввурда эканман. Раиснинг фаолияти сержирра, ҳар соҳадан бохабар бўлмаса, ишлаши қийин экан. Одаларнинг муаммоларини ҳал этишда катта тажриба керак экан».

Дароқе, кўпчилик, ҳатто айрим ҳокимлик ҳар бу иш кўламини тор тушунишди. Йиғилишда раисни тўқма турғизиб олиб, «нега қўчаларни ахлатга бостириб юбординг?» деб тергашди. Ҳатто собиқ ҳокимлардан бири маҳалла раисига «ишдан бўшадинг, аризангни ёз» деб дўқ урган экан. Холбуки, раислик тайинланадиган эмас, сайлаб қўйиладиган лавозим ва у аввало сайловчилар олдида хисоб беради. Сўнгра қонун доирасида юқори давлат идораси кўрсатмалари буйича иш юритади. Тўғри, озодликни ҳам талаб қилиш керак, лекин доим одамлар ичиди, уларнинг барча ташвишларидан бохабар фуқаролар йиғини раиси ва маслаҳатчилар ўқир иктимой муаммолар, хусусан ишсизлик, муҳтожлик, бунинг оқибатида юз берадиган ҳўққубузарликларнинг олдини олиш тўғрисида бош қотиришлари, ҳокимликка асосли таклифлар билан қўйиб қарорлар қабул қилинишига эришиллари лозим.

Ушбу сайловда ана шундай масъулиятни англаб зиммасига олаётган, билим ва тажрибага эга номзодларнинг қўли бандан келмоқда.

Исроил ИБРОҲИМОВ, «Нуқу» мухбири

Jarayon

Мамлакатимиз ижтимоий-маданий сивбатининг ўзига хос жиҳатларидан бири миллий қадриятларни қайта тиклаш, мустаҳкамлаш ва улардан эркин фуқаролик жамиятини шакллантириш йўлида самарали фойдаланишдан иборат. Токи, жамият ўзини ўзи бошқарсин ва бу жараёнда давлатнинг таъсир доираси камайиб борсин. Бизда бунинг учун тарихий асос — маҳалла, яъни ўз ўзини бошқариш тизимининг аънавий шакли бор.

ямиз, «Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари тўғрисида»ги ва «Фуқаролар йиғини раиси (оқсоқоли) ва унинг маслаҳатчилари сайлови тўғрисида»ги қонунларга мувофиқ ўтказилмоқда. Шунингдек, Олий Мажлис Сенатининг кенгаши томонидан шу йил 4 апрел кунини тасдиқланган тадбирлар режаси ҳам шу йўналишдаги муҳим ҳужжатдир.

— **Нима деб ўйлайсиз, бу йилги сайловда олдингиларидан фарқли жиҳатлар кўзга ташланадими?**

киш?
— Ўзбекистоннинг ҳар бир фуқароси бунга ҳақли. Бу қоида конституциямизда ҳам, бошқа қонунларда ҳам белгилаб қўйилган. Хусусан, «Фуқаролар йиғини раиси (оқсоқоли) ва унинг маслаҳатчилари сайлови тўғрисида»ги қонуннинг 14-, 15-моддаларида бу ҳақда алоҳида тўхталиб ўтилган. Шунингдек, уларда номзодларга қўйиладиган талаблар ҳам белгилаб қўйилган.
— **Сизнигича, бугунги кун фуқаролар йиғини раиси қандай бўлиши керак?**

— Маҳалла оқсоқоллиги мансаб ҳам, лавозим ҳам эмас — масъулият. Масъулият бўлганда ҳам эл-юрт манфаатини ўзиникидан устун қўя олган, фидойи инсонларгина зиммасига ола билладиган масъулиятдир. Маҳалла раислигига ўз фуқаролик позициясига эга бўлган, ватанпарвар, юртининг бугуни ва эртаси учун фидойи, чўқур билим ва тажриба эгаси бўлган фуқароларгина муносиб.

Хар бир маҳаллада ана шундай юртдошларимиз раҳнамо экан, осойишталигимиз ва тараққийетибизга ҳеч ким, ҳеч қандай кўч даҳл қила олмайдди. Бугунги сайловларда юртдошларимизнинг фаол иштирок этаётганлиги бунга замин тайёрлайди.

Ш.ЁДГОРОВ суҳбатлашди

Маҳалла раислиги

Мана, неча йилдирки, маҳалла институтини жамият тараққийига муносиб улуш қўшиб, юртимизда инсон учун муносиб турмуш шароитини яратиш борасида узлуксиз фаолият юритиб келмоқда.

Айни кунларда мамлакатимизда фуқаролар йиғинларининг раислари (оқсоқоллари) ва маслаҳатчилари сайлови давом этмоқда. Масъулар жараён ва унинг ҳўққий жиҳатлари хусусида Республика «Маҳалла» жамғармаси раисининг биринчи ўринбосари Н.АБДУЛЛАЕВга саволлар билан мурожаат қилдик.

— **Маълумки, ҳар қандай кўринишдаги сайлов тизими демократия шартларидан бири бўлиб, у муайян қўнуқчиликка таянади. Мамлакатимизда фуқаролар ўзини ўзи бошқариш органларига сайлов ўтказишда қандай қўнуқ ҳужжатларига таянади?**

— Мамлакатимиз миқёсидаги фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органларига сайловлар конституци-

— Албатта. Бундай дейишимизнинг боиси, аввало халқимизнинг ҳўққий маданиятида йил сайин юксалиш кузатилиб, юртимиз келажига бўлган ишонч ортиб бормоқда. Шунингдек, мазкур сайловлар 2004 йил 24 апрелда қабул қилинган «Фуқаролар йиғини раиси (оқсоқоли) ва унинг маслаҳатчилари сайлови тўғрисида»ги қонун асосида илк марта ўтказилаётганлиги ҳам жараёнга янада демократик руҳ олиб кирди. Бу шу йил май ойининг биринчи ўн кунлигида мамлакатимиз туман ва маҳаллаларида тегишли гуруҳлар иштирокида ўтказилган намунавий сайловларда ҳам ўз ибодтини топди. Мазкур қонунга мувофиқ сайлов жараёнида давлат ҳокимияти органларининг тўғридан-тўғри аралашуви кузатилмайди. Балки, қонуннинг 7-моддасига мувофиқ давлат органлари сайловни ташкил этиш ва ўтказишда кўмаклашади.

— **Сайловда иштирок этиш учун қимлар ўз номзодини кўрсатиши мум-**

Бир ўйнинг икки эгаси
Уйга эгаллик қилишни тасдиқловчи ҳужжат унинг номда бўлган вақтда бу уй қандай қилиб бошқа шахсга ўтиб қолганидан ҳайрон бўлиб хубоби ошади.

3 бем

Текширув ўтказиш
мукаммал билим, тажриба ва ҳолисликни талаб этади.

4 бем

Тарбия оилада берилади
Психологик инерция қонунига кўра, фарзандни тарбияладан кўра, уни қайта тарбиялаш оғирдир.

5 бем

Рухий сиртмоқ
Айбланувчилар, жабрланувчи — Музаамхоннинг онаси, гувоҳларнинг кўрсатувида марҳум ўлими олдида ёзиб қолдирган хатдаги ҳолат тасдиқланади.

6 бем

Республика Бош прокуратураси Судларда фуқаролик ишлари кўрилишида прокурор ваколатини таъминлаш бош- қармаси фаолиятдан

Бахмаллик Х.Собиров тумандаги «Сангзор» матлубот савдо жамиятига қарашли 16-дўкдан 1971 йилдан 1988 йилгача, унинг ўли А.Собиров эса 1988 йилдан 2000 йилнинг декабрига қадар сотувчи бўлиб ишлаб келганлар. 2003 йил апрел ойида «Сангзор» матлубот савдо жамияти «Бахмал тоғ ҳаво-си» чакана савдо қорхонасига айланрилиб, 16-дўкон ҳам шу қорхона балансига ўтказилган. 2004 йил 5 февралда ўтказилган умумий йиғилиш қарорига кўра, қорхонага қарашли 1-дўкон фуқаро О.Абдурашидовга, 16-дўкон эса фуқаро А.Қаршиевларга сотилган. Лекин бундан норози бўлган собиқ сотувчилар Х.Собиров ва А.Собировлар фуқаролик ишлари бўйича Жиззах туманлараро судига ариза билан мурожаат қилиб, 16-дўкон А.Қаршиевга экинчи сотилганини кўрсатиб, «Бахмал тоғ ҳаво-си» чакана савдо қорхонасининг дўконни А.Қаршиевга сотиш ҳақидаги умумий йиғилиш баённомаси ва олдидотди шартномасининг ҳақиқий эмас деб топилганини сўраган.

2005 йил 29 августдаги ҳал қилув қарори билан Х.Собиров ва А.Собировларнинг даъвоси қаноатлан-тирилган. Суднинг қароридан норози бўлган А.Қаршиевнинг апелляция

Даъво асосли бўлиши лозим

ция шикоятни Жиззах вилоят суди апелляция инстанциясида кўрилиб, суднинг ҳал қилув қарори ўзгаришсиз қолдирилган. А.Қаршиев суд қарорларидан норози бўлиб Бош прокуратурага ёзган аризасига асосан суд қарорларининг қонунийлиги ўрганилганда, қарор қабул қилишда бир қатор хато ва камчиликларга йўл қўйилганлиги аниқланди. Жумладан, судлар ишининг ҳақиқий ҳолатини, тарафларнинг ҳуқуқ ва мажбуриятларини тўлиқ аниқлашдан, фақатгина тақдим этилган ҳужжатлар ва берилган

тушуниришлар билан чекланиб қолганлар. «Сангзор» матлубот савдо жамиятининг масъулияти чекланган жамиятга, кейинчалик «Бахмал тоғ ҳаво-си» чакана савдо қорхонасига айланрилганлиги, яъни қорхонанинг мулкчилик шакли ўзгартирилиши билан боғлиқ ҳужжатлар олиб ўрганилмаган.

Даъвогарлар Х.Собиров ва А.Собировлар дўкон сотилган пайтда қорхонада ишламаганлиги, улар мулкка нисбатан эгаллик ҳуқуқини келтирилмаган, яъни дўконни қорхона эгаллигига топшириш, А.Қаршиевга эса дўконни сотиб олганлиги учун тулаган пулни қайтариш масаласи ҳал қилинмаган. Бундан ташқари, суд томонидан «Бахмал тоғ ҳаво-си» чакана савдо қорхонасининг 2004 йил 5 февралдаги 1- ва 16-дўконларни сотиш ҳақидаги умумий йиғилиш баённомаси бекор қилиниши оқибатида 1-дўконни сотиб олган, фуқаролик иши бўйича низо предметиға умуман алоқаси бўлмаган О.Абдурашидовнинг ҳам ҳуқуқлари бузилган. Қонуний асослар

2000 йилда ишдан бўшаб кетган бўлиб, қонунда белгиланган 3 йиллик даъво муддатиде даъво мурожаат қилмасдан, шу муддатни ўтказиб, 2005 йил 30 июнда даъво қўзғатганлар. Биринчи ва апелляция инстанцияси судлари ушбу ҳолатларни муҳокама қилмаган.

Суд томонидан «Бахмал тоғ ҳаво-си» чакана савдо қорхонаси билан А.Қаршиев ўртасидаги 16-дўконнинг олдидотди шартномаси бекор қилинган бўлса-да, улар ўз ҳолиға келтирилмаган, яъни дўконни қорхона эгаллигига топшириш, А.Қаршиевга эса дўконни сотиб олганлиги учун тулаган пулни қайтариш масаласи ҳал қилинмаган. Бундан ташқари, суд томонидан «Бахмал тоғ ҳаво-си» чакана савдо қорхонасининг 2004 йил 5 февралдаги 1- ва 16-дўконларни сотиш ҳақидаги умумий йиғилиш баённомаси бекор қилиниши оқибатида 1-дўконни сотиб олган, фуқаролик иши бўйича низо предметиға умуман алоқаси бўлмаган О.Абдурашидовнинг ҳам ҳуқуқлари бузилган. Қонуний асослар

бўлган тақдирда суд умумий йиғилиш баённомасининг 16-дўконни А.Қаршиевга сотиш қисмининга бекор қилиб, 1-дўконни О.Абдурашидовга сотиш билан боғлиқ қисминини ўз қучида қолдириши лозим эди.

Мазкур фуқаролик иши бўйича иш учун аҳамиятга эга бўлган ҳолатлар тўлиқ аниқланмаганлиги, суд аниқланган деб ҳисоблаган, иш учун аҳамиятга эга бўлган ҳолатларнинг исботланмаганлиги, моддий ва процессуал ҳужўқ нормаларининг бузилганлиги эътиборга олинди. Бош прокуратура томонидан суд қарорларини бекор қилиш ҳақида назорат тартибиде Олий судға протест келтирилди. Олий суд судлов ҳайъати томонидан фуқаролик иши кўриб чиқилиб, протест қаноатланрилди ва Жиззах вилоят суди апелляция инстанциясининг ажримни бекор қилиниб, иш янгидан кўриб чиқиш учун юборилди. Иш судда кўрилаётганда даъвогарлар Х.Собиров ва А.Собировлар низоли дўкон биносини ўзлари қурганликларини билдирганлар. Агар ҳақиқатан ҳам шундай бўлса, унда улар дўкон биносини қурганликлари ва унга кетган харажатларини тасдиқловчи ҳужжат ҳамда бошқа далиллар асосида судға алоҳида даъво аризаси билан мурожаат қилишлари мумкин.

Н.КАРИМОВ,
Республика Бош прокуратураси
бўлим бошлигининг ўринбосари

Бир уйнинг икки эгаси

Жиззахлик Г.Зокирова 1997 йили ўзи меҳнат қилиб келаятган кўча қолнона маъмуриятининг руҳсати асосида ушбу қорхонага қарашли бўлган Жиззах шаҳри Шароф Рашидов кўчасидаги 4-уйнинг 26-хонадонига кўчиб ўтиб, уч фарзанди билан яшай бошлади. 1998 йили эса мазкур уйға доимий рўйхатга ўтшида. 2003 йили уйни хусусийлаштириш учун руҳсат берилганда Г.Зокирова ХММК-58 ташиқоти қассасига 80.000 сўм тўлаб, Жиззах шаҳар ҳокимлигиндан унга ушбу уй хусусий мулк сифатида тегишлилиги тўғрисидаги ордери олади.

Аммо орадан бироз вақт ўтган, Г.Зокированинг тинчлигини мазкур уй унга эмас, балки Б.Одиров деган кишиға тегишли эканлиги ҳақидаги хабар бузди. Уйға эгаллик қилишни тасдиқловчи ҳужжат унинг номиде бўлган вақтда бу уй қандай қилиб бошқа шахсга ўтиб қолгандан хайрон бўлиб ҳубоби ошди. Кейин бунинг сабаби бир вақтлар, аниқроғи уйни хусусийлаштириш вақтида ХММК-58 раҳбари Р.Саидов хусусийлаштириш учун пул сўраганида, ёнида ортқча пули бўлмаганлиги сабабли бу пулни беролмаганлигидан бўлиши мумкинлигиға гунон қила бошлагди. Бунинг асил сабабини сориштирганида, 2003 йилнинг 8 мартида бу уй Б.Одиловға олдидотди шартномаси асосида нотариял расмийлаштирилган экан.

У нафар воёга етмаган фарзанди билан кўчада қолишни истамган Г.Зокирова Б.Одилов номиға расмийлаштирилган олдидотди шартномасининг ҳақиқий эмас деб топилгани сўраб, фуқаролик ишлари бўйича Жиззах туманлараро судига ариза билан мурожаат этди. Ишни судда кўриш жараёнида эса Б.Одилов ҳам қарши даъво билан чиқиб, Г.Зокироваға берилган ордери ҳақиқий эмас деб топиб, уни уйдан кўчиришни сўради. Суд иш ҳолатларини ўрганиб чиқиб, даъвогарнинг талабини рад этиб, жавобгарнинг қарши даъвосини қаноатланрилди. Мазкур иш апелляция тартибиде кўрилганида, биринчи инстанция судининг қарори ўзгаришсиз қолдирилди.

Бир қарашда ушбу фуқаролик ишида бундай тўхтамға келинган тўғриде тўюлса-да, аммо низоинг келиб чиқиш сабабларига эътибор қилинса, суд амалдаги қонун талабларини бузилганлиги маълум бўлади. Чўки, суд ишлари кўришда ФПКнинг 15-, 57-моддалари талабига хилоф равишда низоинг ҳақиқий ҳолатини, тарафларнинг ҳуқуқ ва мажбуриятларини ҳолисона ҳамда хар томонлама, тўлиқ аниқлашдан туриб қарор чиқарган.

Иш материалларига кўра, «Жиззахолкозури-лиш» трестининг 1999 йил 3 май кўниға фармойиши билан ХММК-58 маъмуриятига Жиззах шаҳри Шароф Рашидов кўчасидаги 4-оилавий ётқоҳона бўлган уйни сотишға руҳсат берилган бўлиб, бу уйни сотишдан тушган маблағ эвазига қорхонанинг бюджет олдидоти қарзларини тўлаш қўрсатилган. Ушбу қўрсатма орқали ХММК-58 да меҳнат жамосасининг умумий йиғилиши ўтказилиб, мазкур оилавий ётқоҳона унда яшовчи фуқароларға сотилиш ҳақида қарор ва кўча колоннанинги буйруги қабул қилинади. Низоли уйда 1998 йилдан бўён рўйхатдан ўтиб, доимий яшаб келаятган Г.Зокироваға 2003 йили хусусийлаштиришға руҳсат берилганидан сўнғ, у ХММК-58 қассасига 80.000 сўм

тўлайди. Лекин жавобгар томон Г.Зокировани ушбу низоли уйда нўқонуний яшаб келганлиги, хусусийлаштириш учун кам пул тулаганлиги, шу сабабли уйни бушатиши ҳақида низо келиб чиққунига қадар умуман оғохлантирмаган. Шуниси ҳам эътиборлики, ХММК-58 нинг 2003 йил 2 мартда қабул қилинган буйругида сотуға қўйилган мазкур низоли 26-хонадон нима учундир кўрсатилмаган. Қолаверса, бу хонадонни сотиб олган Б.Одилов ушбу уйда умуман яшамаган ва рўйхатда ҳам бўлмаган. Бундан ташқари, у низоли хонадонни сотиб олиш ҳақида ХММК-58 маъмуриятига ариза билан мурожаат ҳам қилган эмас. ХММК-58 раҳбари Р.Саидов ва Б.Одиловлар ўртасида 2003 йилнинг 8 мартида тузилган олдидотди шартномасида Жиззах шаҳри Тошқок маҳалласи Шифокор кўчасидаги 4-уй 15-хонадон сотилганлиги қайд этилган бўлиб, ушбу шартномадаги 15 ражами рўжа билан 26 қилиб ўзгартириб қўйилган. Ёзув ўзгартирилганлиги ҳақида эса нотариус томонидан белги қўйилмаган. Ваҳоланки, ХММК-58 маъмуриятиде даъвогар Г.Зокирова ушбу низоли хонадонда нўқонуний равишда яшаб келган деган фикрға келган тақдирда ҳам уни олдидотди шартномадан мажбурий тартибда кўчириш масаласини, ундан кейингиға уйни сотиш масаласини ҳал қилиш лозим эди. Бундай ҳолатлар мавжуд бўлгани ҳолда, суд уларни тўлиқ текширмаган ва ҳуқўқий баҳо бермаган. Хонадон Б.Одиловға сотилганлиги ҳақидаги шартноманин асил нуҳсаси олиниб, текширилиб, аниқлик киритилмаган. Бу эса ФПКнинг 312-моддаси 1-, 2-бандлари талаблари бузиллишиға олик келган. Бундан ташқари, суднинг ҳал қилув қарориде жавобгар Б.Одилов суд жараёнида даъвогар Г.Зокироваға нисбатан шаҳар ҳокимлиги томонидан низоли хонадонға берилган ордери ҳақиқий эмас деб топиб, уни уйдан кўчириш ҳақидаги даъво аризаси берганлиги кўрсатилган. Лекин бу даъво аризаси суд томонидан рўйхатга олинмаган ва тегишли тартибда расмийлаштирилмаган. Б.Одилов судға қарши даъво тақдим этганлиги суд мажлиси баённомасида ҳам ўз ифодасини топмаган. Бу эса ФПКнинг 151- ва 246-моддалари талабларининг бузилганини кўрсатади. Ана шу асослардан келиб чиқиб, Республика Бош прокуратураси томонидан Олий судға назорат тартибиде протест киритилди. Ишни қайта кўрган суд протестни қаноатланрилдиб, фуқароларнинг қонуний ҳуқуқ ва маънафатлари тикланди.

М.ТўРАЕВ,
Республика Бош прокуратураси
бўлим прокурори

Ўзбекистон Конституциясининг 13-моддасида инсон, унинг ҳаёти, эркинлиги, шаъни, қадр-қиммати ва бошқа дахлсиз ҳуқуқлари олий қадрият ҳисобланиши, демократик ҳуқуқ ва эркинликлар конституция ва қонунлар билан ҳимоя қилиниши қатъий белгилаб қўйилган.

Бу умумэътироф этилган муқаддас қадриятлар негизини биринчи навбатда меҳр-муруватта муҳтож фуқароларнинг ҳуқуқлари ташкил этади. Бундай фуқаролар, аваломбор, руҳий касалликка чалинганлиги ёки ақли заифлиги оқибатида ўз хатти-ҳаракатларини англай ёки бошқара олмайдиган кишилардир. Ушбу тоифадаги фуқароларнинг ҳуқуқ ва маънафатлари ҳимоясини таъминлаш мақсадида Фуқаролик кодексининг 30, 31, 32-моддалариде фуқарони муомалаға лаёқати чекланган ёки муомалаға лаёқатсиз деб топил асослари ҳамда оқибатлари, уларға нисбатан белгиланган васийлик ва ҳомийликни амалға ошириш асослари, Фуқаролик-процессуал кодексиде эса шу ҳақидаги аризаларни алоҳида тартибда кўриш қондалари аниқ белгиланган.

Муомала лаёқати чекланганда...

Оила кодексининг 175-моддасиға кўра, туман ёки шаҳар ҳокимининг қарори билан суд томонидан муомала лаёқати чекланган ёки муомалаға лаёқатсиз деб топилган шахсларға нисбатан васийлик ва ҳомийлик вазифаларини амалға ошириш соғлиқни сақлаш бўлимлариға юқлатилади. Фуқаронинг муомала лаёқатини чеклаш деганда нима тушунилади? Муомала лаёқатини чеклаш — спиртли ичимлик, наркотик ёки психотроп моддаларни истеъмол қилиш натижасида ўз оиласини оғир моддий аҳволға солиб қўяётган фуқароға нисбатан суд томонидан қўлланадиган мажбуриятлар чорасидир. Фуқарони муомала лаёқати чекланган деб топилш учун бундан далолат берувчи сабаб ва ҳолатлар мавжуд бўлиши керак. Фуқарони муомалаға лаёқатсиз деб топилш — руҳий ҳолати бузилганлиги сабабли ўз хатти-ҳаракатларини англай ёки бошқара олмай қолган фуқароға нисбатан суд томонидан белгиланган тартибда қўлланадиган чорадир. Бу тоифадаги ишлар ҳам ФПКнинг 291-моддасиға кўра қўзғатилиши мумкин. Шу мақсадда судға берилган аризада фуқарони муомалаға лаёқатсиз деб топилш учун унинг руҳий ҳолати бузилганлиги ёки ақли заифлигидан далолат берувчи ҳолатлар баён этилиши ҳамда тегишли ҳужжатлар илова қилиниши керак. Мазкур тоифадаги ишлар алоҳида тартибда юриштилади. Маълумки, алоҳида тартибда юриштиладиган ишлар аризалар асосида қўзғатилади. Шу боис фуқаронинг муомала лаёқати чекланган ёки муомалаға лаёқатсиз деб топилш тўғрисида судға даъво аризаси эмас, ариза берилди. Бундай ариза бериш ҳуқуқиға эга бўлганлар доираси ҳам қонун билан чеклаб қўйилган. Жумладан, ФПКнинг 291-моддасиға кўра фуқарони муомала лаёқати чекланган ёки муомалаға лаёқатсиз деб топилш ҳақидаги иш унинг оила аъзолари, васийлик ва ҳомийлик органлари, прокурор, давлолаш муассасалари ва бошқа давлат органлари, фуқароларнинг ўзини-ўзи бошқариш органлари ҳамда жамоат бирлашмалари берган аризалар бўйича қўзғатилиши мумкин.

А.АКРАМОВ,
Республика Бош прокуратураси
бўлим қатта прокурори

Ўтган йилнинг дастлабки чорагида Бешарик туманидаги «Бестекс» кўшма корхонаси меҳнат-кашлари ойлик маошларини ўз вақтида ололмади қолишди. Албатта, корхона тўла қувват билан ишлаб турган ана шу пайдада иш ҳақида бундай узилишнинг юзага келгани барчани таажжубга солди. Юзага келган муаммонинг омили ишлаб чиқаришнинг аҳоли ёки корхона маъмуриятига боғлиқ эмаслигидан эса ишчилар кейинроқ хабар топишди.

Аслида муаммонинг илдизи 2004 йил ёзининг сўнгги ҳафтасига бориб тақаларди. Гап шундаки, ўшанда Қўжон шаҳар солиқ инспекцияси бош инспектори О.Раҳимов томонидан кўшма корхонада 2002—2003-йиллар давомида валюта ва экспорт-импорт операцияларининг қонунийлиги юзасидан текшириш ўтказилди. Бош инспектор корхона маъмуриятига назорат қилувчи органлар фаолиятини мувофиқлаштириш республика кенгашининг 3-чорак иш режа-

йўриқноманинг 3-қисми 5 «а»-банди талабига кўра **Ўзбекистон билан тузилган шартномалар (битимлар) бўйича халқаро ва чет эл ҳукуматлари, молия ва иқтисодий ташкилотлар томонидан берилган заём ва грантлар ҳисобидан юридик шахслар, жумладан Ўзбекистоннинг норезидент-**

нинг кўшма корхонадаги фаолияти бўйича солиқлар Германия солиқ идораларига тўланган.

Ана шу асосларга таянган вилоят адлия бошқармаси солиқ бошқармаси бошлиғи номига қонунбузилиш ҳолатларини бартафоз этиш юзасидан тақдирнома киритди. Бироқ, орадан бир ойдан кўпроқ вақт ўтса ҳамки, тақдирнома бажарилмади. Чунки солиқчилар мазкур ҳолатга муносабат билдиришни сўраб давлат солиқ қўмитасига мурожаат этишган ва бунга жавобан ДСҚ томонидан О.Раҳимовнинг ҳаракатлари тўғрисидаги қарорини бекор қилишни сўради.

Суд жараёнида солиқчилар аввал

чорак режаси ва вилоят солиқ бошқармасининг тегишли буйруғини асос қилиб келтиргани тилга олинганди. Бироқ ана шу режа ҳамда буйруқ бирор-бир суд мажлисида, ҳатто ишникайтадан кўриш жараёнида ҳам судга тақдим этилмади. Ваҳоланки, Олий ҳўжалик судининг «Назорат қилувчи органлар фаолиятини тартибга солишга оид қонун ҳужжатларини амалиётда қўллашнинг айрим масалалари тўғрисида»ги 116-қарорининг 7-бандида текшириш учун асос бўлган ҳужжатларни курсатмаслик, ҳўжалик юртувчи субъектлар фаолиятини текшириш бўйича махсус ваколатли орган ёки унинг тегишли хўдадий бўлиминининг мувофиқлаштириш режасидан кўчирмани, назорат қилувчи орган раҳбари томонидан тасдиқланган текшириш ўтказиш буйруғи ва режасини, жиноят иш қўзғатиш билан боғлиқ текшириш ўтказиш тўғрисидаги қарор нўхсасини ҳўжалик юртувчи субъект раҳбарига уни

маблагни кўшма корхонанинг бошқа турдаги солиқ тўловлари бўйича ҳисоб-китоб қилиш тўғрисида ҳал қилув қарори қабул қилди. Қолаверса, суд ушбу ҳўжалик иш бўйича қонунбузилиш ҳолатига йўл қўйган айбдор ҳодимларни интизомий жаъбарликка тортиш масаласини ҳал этиш учун вилоят солиқ бошқармасига хусусий ажрим ҳам киритди.

Бироқ, солиқчилар шундан кейин ҳам ўз хатоларини тан олишни истамай иккинчи бек апелляция шикоятни беришди. Лекин бу шикоятдан сўнг ишни кўриш кўшни Андихон вилоят ҳўжалик судига ўтказилди. Албатта, мазкур суднинг апелляция ҳайъати ҳам шикоятни қаноатлантириш учун иш материалларида бирор-бир асосни кўрмади. Шунинг учун шикоят яна рад этилди.

Ҳеч биримизга сир эмаски, ҳайъатда йўл қўйган ҳатосини тан олиб, тақдирга тан бериш мард кишининг амали саналади. Афсуски, биз тилга олган солиқ хизматчиларида бунинг



си, Фаргона вилоят давлат солиқ бошқармасининг 2004 йил 23 август кўниги «562-с» ва 27 августдаги «567-хс» буйруқларига биноан текшириш ўтказайётгани маълум қилди. Текшириш мобайнида Адлия вазирлигида 1998 йил 10 октябрда рўйхатга олинган «Хорижий юридик шахсларнинг Ўзбекистон Республикасидаги даромадларидан даромад солиғи ундириш тартиби тўғрисида»ги 498-йўриқномага асосан норезидентнинг доимий муассасаси билан боғлиқ бўлмаган даромаддан тўлов манбаи бўйича 109.062.656 сўм даромад солиғи, 2002 йил 15 апрелда рўйхатдан ўтган «Ўзбекистон Республикаси қудудига импорт қилинадиган ишлар, хизматларга қўшилган қиймат солиғини ҳисоблаб чиқариш ва тўлаш тартиби тўғрисида»ги 1123-йўриқномага асосан бажарилган монтаж ишларидан 136.328.342 сўм қўшимча қиймат солиғи ҳисобланди. О.Раҳимов кўшма корхонага Германиянинг «Текстима экспорт-импорт ГМБХ» фирмаси келтирган 19.546.633 евролик технологик жиҳозлар ҳамда уларни монтаж қилиш, улардан фойдаланиш учун кадрларни тайёрлаш ишларини назарда тутди. Шундан сўнг Бешарик туман солиқ инспекциясининг 2004 йил 30 декабр кўниги 351-қарори билан «Бестекс» кўшма корхонасида жарима солиғини ва эртаси куниёқ инкасса топшириқномалари қўйилиб, маблаг ундирила бошланди.

Табиики, корхона раҳбари Уйсал Меҳмет инспекциянинг ушбу қароридан норози бўлиб, Ўзбекистон Вазирлар Маҳкамасига ариз қилди. Ижро этувчи ҳокимият жаноб Меҳметнинг аризаси билан танишиб чиққач, уни ўрганиш вазифаси Адлия вазирлиғи орқали Фаргона вилоят адлия бошқармаси зиммасига юклатилди.

Юқорида тилга олинган 1123-

лари томонидан олиб кириляётган иш ва хизматлар қўшимча қиймат солиғи тўлашдан озод қилиниши белгиланган. Германия фирмаси билан кўшма корхона ўртасида тузилган 17010764/00001-импорт шартномасининг 5-бандида олиб келинган жиҳозлар учун 15 фоиз тўлов олдиндан, қолган 85 фоиз Ўзбекистон Ташқи иқтисодий фаолият миллий банки билан Германиядаги бирор-бир банк ўртасида тузилган кредит шартномаси асосида боқичма-боқич амалга оширилиши қайд этилган. Хорижий банк ажратган кредит маблагининг қайтарилиши эса Молия вазирлиғи томонидан қафолатланиб, мазкур кафолат хатига Ўзбекистон ТИФ миллий банки ва Германиянинг «Коммерцбанк»и ўртасида 2002 йил 27 майда имзоланган 081/001/005-қарз шартномаси бўйича қайтарилиши назарда тутилган. Шу боис ҳам 136.328.342 сўмлик қўшимча қиймат солиғи нотўғри ҳисобланган ва молиявий жаримада кўрсатилган ҳолат асосидир.

Ҳисобланган даромад солиғига келсак, топчилар ўртасида имзоланган импорт шартномасида келтирилган жиҳозларни ўрнатиш, монтаж қилиш, ишга тушириш ва улардан фойдаланиш учун кадрларни тайёрлаш ишлари алоҳида хизмат тури сифатида кўрсатилмаган, уларнинг қиймати алоҳида ажратилмаган. Аксинча, ушбу хизматлар лойиҳанинг умумий қийматида киритилган. Энг асосийси, Ўзбекистон Олий Мажлиси томонидан 2000 йил 11 февралда ратификация қилинган «Ўзбекистон ва Германия ўртасида даромад ва мол-мулк солиқлари юзасидан икки ёқлама солиққа тортишнинг олдини олиш тўғрисида»ги 40-11-ҳалқаро битимининг 23-банди талабига биноан «Текстима экспорт-импорт ГМБХ» фирмаси-

тақидлаганими — Адлия вазирлигининг икки йўриқномасига асосан иш юритганликларини маълум қилишди. Шунга кўра суд даврони рад этиш тўғрисида ҳал қилув қарори чқарди.

Шубҳасиз, адлия бошқармаси айни қарорга эътироз билдириб, вилоят ҳўжалик судига апелляция шикоятини берди.

Солиқ инспекцияси бош инспекторининг Адлия вазирлиғи йўриқномаларига асосан ҳар иккала — 245.390.998 сўмлик солиқларни ҳисоблаганлиги ва шунга биноан корхонага жарима солгани тўғри. Аммо солиқчилар ҳам, биринчи босқич суди ҳам мазкур йўриқномалардан давлатлар ўртасида тузилган халқаро битимлар устувор кўчга эга эканлиги ҳамда 40-41-ҳалқаро битимнинг 23-банди талабидан келиб чиқиб, солиқлар Германия солиқ идораларига тўланганлигига эътибор қаратишмади. Ваҳоланки, халқаро битимда солиқ бўйича низо келиб чиққан ваколатли давлат органларининг ўзаро маълумот алмашиш орқали низоли ҳал этишлари лозимлиги белгиланган бўлиши. Лекин ваколатли орган бўлиши давлат солиқ қўмитаси бу борада ҳеч нима қилмади.

Шундай қилиб ҳўжалик суди апелляция ҳайъатининг қарори билан биринчи босқич суднинг ҳал қилув қарори, Бешарик туман солиқ инспекциясининг «Бестекс» кўшма корхонасига жарима солиш тўғрисидаги қарори бекор қилинди. Бундан қанчалик ҳам инкасса топшириқномалари орқали иккинчи босқич суд мажлисига қадар ундириб келинди. Ҳайъатнинг қарорига эса ундирилган маблагни кўшма корхонанинг бошқа турдаги солиқлари бўйича ҳисоб-китоб қилиниши ҳам қайд этилди. Аммо бу билан масала ечимини топмади. Аксинча, апелляция қароридан норози бўлган солиқчилар энди Олий ҳўжалик судига кассация тартибиде шикоят ёишди. Лекин суд мазкур ишни қайтадан кўриш учун яна биринчи босқич судига қайтарди.

Шу ўринда солиқчилар йўл қўйган яна айрим хатоларга эътибор қаратсак. Юқорида солиқ инспекторининг ўз текширувига назорат қилувчи органлар фаолиятини мувофиқлаштириш республика кенгашининг 3-

олганини тасдиқловчи тилхат асосида топширмаслик, текшириш натижалари юзасидан далолатнома ёки маълумотнома расмийлаштирилмаслик ва унинг нўхсасини ҳўжалик юртувчи субъектга қолдирмаслик назорат қилувчи органлар қабул қилган ҳўжатлар ҳўжалик юртувчи субъектнинг ҳўқуқ ва манфаатларини бузган деб баҳолашга ҳамда ушбу ҳўжатларни ҳақиқий эмас деб топишга асос бўлиши кўрсатилган. Ҳўжалик процессуал кодексининг 152-моддасига мувофиқ эса текшириш давомида текширишларни қайд этиш дафтарига тегишли ёзувларни киритмаслик, текшириш ўтказиш учун асос бўлган ҳўжатларни курсатмаслик, текширувчиларнинг ўз шахсларини тасдиқловчи ҳўжатлар билан таништирилмаслиги, текширишларнинг даврийлиги ва мурдатини бузиш каби ўрнатилган тартиб-қоидаларга амал қилмаслик айбдор шахсларга лавозимидан озод қилишга ҳақ бўлган интизомий жазо чораларини қўллаш ҳақида хусусий ажрим чиқариш учун асос бўлади.

Бундан ташқари яна бир ажабланишли ҳолат мавжуд, яъни текшириш далолатномаси 2004 йилнинг 30 августиде тузилган бўлса-да, корхонага жарима солиш тўғрисидаги Бешарик туман солиқ инспекциясининг қарори бундан аввалроқ — 25 август санаси билан ҳам, текширишдан сўнг орадан 4 ой ўтиб 30 декабр санаси билан ҳам қабул қилинган. Энг қизиғи, текшириш далолатномаси-у, жарима солиш тўғрисидаги қарор билан корхона маъмурияти таништирилмаган ва бирор-бир вақил уни имзоламаган. Ҳўш, мазкур «янгилик»ни қандай тушуниш мумкин?

Шу боис ишчи қайтадан кўрган биринчи босқич суди ҳам Бешарик туман солиқ инспекциясининг қўшма корхонага жарима солиш тўғрисидаги қарорини ҳақиқий эмас деб топиш, инкасса топшириқномалари бекор қилиш (дароқе, ДСИ) ҳодимлари иккинчи босқич суд мажлисига қадар молиявий жариманинг анча-мунча қисмини ундиришга улгуриштириш республика кенгашининг 3-

**Мукаммал билим,
тажриба ва ҳолисликни
талаб этади**

учун қать-ийат этишмади. Негаки, улар энди вилоят солиқ бошқармаси орқали яна Олий ҳўжалик судига кассация шикоятини йўлашди.

Ҳўжалик процессуал кодексининг 178-моддасида кассация шикоятини (протестини) бераётган шахш ишда иштирок этувчи бошқа шахсларга солиқ (протест) нўхсасини ва унга илова қилинган, уларда бўлмаган ҳўжатларнинг нўхсаларини юбориши, кодекснинг 180-моддасига кўра эса кассация шикоятига (протестига) ишда иштирок этувчи шахсларга унинг нўхсаларни жўнатишганини тасдиқловчи далиллар қўла қилинмаган бўлса, шикоят қайтарилиши белгиланган. Шунга асосан Олий ҳўжалик судининг ажрими билан вилоят солиқ бошқармасининг кассация шикоятни қайтарилди.

Мана шу тарихка биргина эътиборсизлик туфайли содир этилган жиҳдий қонунбузилиш ҳолатига барҳам берилди. Бироқ бунгача корхона ушбу адолатсизликдан катта зиён кўрди. Негаки, инкасса топшириқномалари қўйилиб, маблаг ундирилиши туфайли ишчилар маошини вақтида ололмади сарсон бўлишди. Корхонанинг электр энергияси ва бошқа мажбурий тўловлардан қарзи ортиб кетди. Албатта, бундай ҳолат ишлаб чиқариш унмуддорлигига салбий таъсирини ўтказди.

Айни пайдада қўйидаги мулоҳазани билдириб ўтиш ўрикли: текшириш қай соҳада ва ишқандай тартибда ўтказилмасин, у текширувчидан ҳеч йўқса ўша соҳа, йўналишга тааллуқли қонун ҳўжатларини мукаммал ўзлаштиришни талаб этади. Энг асосийси, бу жараёнда ҳолислик бош мезон бўлиши шарт. Шундагина адолат таъминллари бузилмайдди. Текширувчининг обрўси-у мавқега путур етмайдди.

Анваржон МАНСУРОВ,
Фаргона вилоят ҳўжалик судининг судяси

Рус ёзувчиси Фёдор Достоевскийнинг «Жинойат ва жазо» романини ўқиганлар студент Раскольниковнинг судхўр кампирини болта билан чолиб ўлдирганини яхши эслашса керак. Кейинги воқеалар ўша жиноятга сабаб бўлган даврнинг иллатлари ва инсон кечинималарини, изтиробларини чухур очиб беради.

Биз каламга олмоқчи бўлган воқеа унга айнан ўхшаш бўлмас-да, ҳар қалай қотиллар қўлида ҳалок бўлган аёлнинг судхўрлиги-ю аянчли тақдирини ўша асарини ёдга солади. 2005 йил 29 ноябр кўни соат 18 лар чамаси Асака шаҳар Нурафшон кўчасидаги 64-уйда қотиллик содир этилди. Шу хонадонда яшаб келаётган 62 ёшли кампир — Галина Фоменкова номаълум шахслар томонидан ўлдирилиб кетилди.

ЭХТИЁТКОР АЁЛ ЭДИ

Гувоҳ Мария Тўхтаёнованинг терговда берган кўргазмиси: «Марҳум Галина Фоменкованинг Виталий исми ўғли бўлиб, у опам Татьянага уйлانган. Улар уч йил аввал Россияга кўчиб кетишган. Сўнги пайтларда Галина опа ҳам уй жиҳозларини сотиб, ўғлининг ёнига кетмоқчи бўлиб

ХАВОТИР
Гувоҳ Жумагул Умарованинг терговда берган кўргазмиси: «Биз 8 йилдан бери Галина опа билан қўшнимиз. Унинг эри биз кўчиб келмасимиздан илгари оламдан ўтган экан. Қотиллик содир этилган кўни менга олдиндан таниш бўлган Январхон билан кўришдим. У

ишингни тезроқ айт! Қанақа иш?

Шариф уни кўчанинг қоронғи тарафига бошлади:

— Бир иш қиламиз, қўрқмайсанми?

— Уғрилким ё?..

— Одам ўлдириш бўлса-чи?

— Йўғ-э, бунча гапинг совуқ?

— Судхўр Галина холанинг уйини тунаймиз. У Россияга кетишига тайёргарлик кўраётпти. Бор бисотини сотган.

— Эсинг жойидами ўзи? Леся икковимизни гахиб ташлайди-ку!

— Ит ўридан қўради. Агар қўрқмас, чалғитамиз. У дарвоза ёнида ҳуриб турганида қўшниси томондаги темир девордан ошиб тушамиз. Ҳаммаёқ тинчигандан кейин ишга тушамиз. Ундан кейин маишат, ўйин-кулгун...

Улар қўл ташлашди.



Хусанжон уни кўчадан қайтариб келди. «Бугун бормайми. Сен уйни йиғиштир, кир-пирингни юв, аям гапга бори, менинг ҳам бир-иккита ишларим бор», — деди.

— Маҳмуджоннинг оловинг бўлмас, нон ёпанам, — деди Муаззамхон. — Иш қўлдирамайди.

У ўғлини кўтариб қариндошлариникига йўл олди. Қариндошлар ўртада «гапга пул йиғишарди. Улушини бериб қўйиши керак. Шунқор қишлоғида турадиган холасиникига бориб, «гапга пулни бериб қайтди. Кайтайтиб Горский (туман марказининг эски, аҳоли тилидаги номи)да ўғилчасига қабоб олиб берди. Йўлда тоғасини уратди.

— Менам «гап»нинг пулини сендан берворай деб уйларибга борсам, дарвоза ичкаридан тамбалаган, — деди у.

Хусанжон ҳар хил ҳаёлга бориб қаддини тезлатди. Тоғаси айтганидай бўлиб чиқди. Чақирди, хотини овоз бермади. Дарвоза ошиб тушиб, Маҳмуджонни ичкарига олди. Хоналарни қаради. Муаззам йўқ. «Яна аммасиникига кетворибди-да» деб жажли чиқди. Унақа бўлса дарвозани ичидан қим тамбалади? Ҳамма жойини қаради, оғилхонага кирди-ю... Муаззам тўсига боғланган арқонда... бўйнидан осилган! Шарта унинг оёқларини кучоқлаб кўтарди. Бироқ хотинидан садо чиқмади. Ошхонадан пичоқ олиб чиқди. Бир қўлида жонсиз гавадани кўтариб, бир қўлида пичоққа арқонни кесди. Кейин жасадни сўрига ётқизди. Гарангсиз нима қилишини билмай ўтирди. Кейин қўшниси Аваз акага хабар етказди...

Навниҳол аёл нега жонига қасд қилди? Муаззамхон ота-онасининг номига ёзиб қолдирган хат жиноят иши қўзғатишга асос бўлди. Тергов мобайнида ёш оила фожеасининг сабаблари очилди.

...Бешчи қишлоғилик Хусанжонга онаси Дилбарой опа келин топди. Гапини учини чикарғанида ўғли чўрт кесди.

— Яхши кўрган қизим бор. Ушанга уйланаман!

Уқимши, олий маълумотли она ўғлининг раъйини қайтармади. Кўкдўпли қишлоғига, Абдураззоқовларнинг хонадонига совчиликка борди. Қизи борнинг номи бор деганларидай, турли бахона-сабабларни қалаштирган қудаси Ляльхонни бир амаллар кўндирди. 2002 йил кўзуда эл қаттори тўй қилиб, келинни ҳовлисига тушириб келди. Севиб, севилиб турмуш қурган Хусанжон билан Муаззамхондан бахтиёр жуфтлик йўқ эди.

Иккаласини туман марказий шифохонасида компютерчи бўлиб ишлар, ёш оилага ҳамма ҳавас қиларди. Бироқ бир йил ўтар-ўтмас кўз теги. Маҳмуджон туғилганида, аънанга кўра, келин ота-онасининг уйда чилла сақлаб ўтирди. Йигирма кун мобайнида на кўё, на қайнона на веранари йўқлаб боришди. Иззатлаб қудалар ўртасига совуқчилик тушди. Бехуда гап-сўз, гина-қудурат газаклаб бораворди.

Дилбарой опа тўйда қарз бўлиб қолган эди. Ўғли билан келиннинг маошлари, суянчи пули, набирасининг нафақа пуллари бир сўм қолдирмай ўзи ола, қарзларига тўларди. Муаззамхон бошдан-оёқ қайнонга қарам бўлиб қолган, юрак юпти биронта юмуш учун пул сўраганида жанжал чиқарди. Чалоқ келин овера бўлиб, ҳовли ивирсиган, кир ювилмай тўпланиб қолган кезларни Дилбарой опанинг зуғумига чидамай, бир неча бор ота-онасиникига кетди. Лекин иш никоҳни бекор қилишга ҳақ бериб етмади. Оқсоқлар ўртасига тушиб, яраштириб қўйишди. Қайнона-келинининг мурасасизлиги Хусанбойнинг ру-

Нурафшон кўчасидаги қотиллик

юярди.

Мен яхши биламан, Галина опа камгап, эҳтиёткор, ичидани ташига чиқармайдиган аёл эди. У ҳеч қачон ҳеч кимга нима иш билан машғуллигини айтмасди. Ҳеч кимни, ҳатто қўшнеларни ҳам уйига қўймасди. Леся исми ити бўлиб, ҳеч кимни дарвозага яқин йўлатмасди. Фақат уй эгасига итот этарди.

Кампир яхшигина пенсия олиб турса ҳам эҳтиётқандарга фоизга пул бериб турарди.

2005 йил 26 сентябр кўни қизим Диананинг туғилган кўни нишонладик. Шу кўни Галина опа бизникига келди. Чунки Россиядаги опамдан хат келган бўлиб, у қизимни туғилган кўни билан табриклаган экан. Галина опа гап орасида тезроқ ўғлининг олдида кетиши ҳақида гапирди. Шўрлик няятига ета олмади...».

ГАРОВГА

ТИЛЛА ТАҚИНОҚ

Гувоҳ Январхон Хусанованинг кўргазмиси: «Мен Нурафшон кўчасида яшовчи Галина опанинг судхўрлигини билардим. Шунинг учун 2005 йил 29 ноябр кўни соат 17 ларда опанинг уйига бордим. Уй эгасидан олдин баҳайбат ит дарвоза тагига югуриб келди. Мезбоннинг ишораси билангина орқага қайтди.

— Хўш, нима хизмат? — сўради Галина опа.

— Менга 20.000 сўм пул зарил бўлиб қолди.

— Гаровга нима қолдирансан?

Мен дарҳол бўйнимдаги тилла занжирни ечиб, қўлига тутдим.

— Икки ҳафта ичида қарзимни қайтариб, занжирни олиб кетаман, — дедим. Галина опа эшакни беритиб, уй ичига кириб кетди. Орадан йигирма дақиқа вақт ўтди ҳамки, ундан дарак бўлмади. Леся тўхтовсиз хурар, уй саҳида гир-гир айланарди. Сабрим чидамай эшакни қаттиқ-қаттиқ уриб, опани чақира бошладим...».

бўлган воқеани айтиб, тезроқ Галина опадан пулни олиб чиқи беришини қўшниси сифатида мендан илтимос қилди. Мен унинг илтимосини бажаролмадим. Чунки ит ичкарига киришга қўймади. Шунда Январхон «Майли, эртага кундузи келарман» деб кетиб қолди. Аммо мен хавотирланиб, қўшнеларни чақирдим. Уларга Галина опа бир соатдан бери уйдан чиқмаётганлиги, яна бир қор-қол бўлмаганмикан деган тўмонда эканлигини айтдим. Уларнинг маслаҳати билан дарҳол милицияга хабар беришга қарор қилдик...».

МАШЪУМ НИЯТ

Фўқаро Валишер Толобович Комиллов 24 ёшда. Нурафшон кўчасидаги 52-уйда яшайди. Ишламайди. Судланган.

Фўқаро Шариф Мансурович Акрамов 26 ёшда. Нурафшон кўчасидаги 60-уйда яшайди. Ишсиз. Судланган.

Икки бекорчи Валишер билан Шариф кўчада учрашиб қолишди.

— Нима қиляпсан? — деб сўради Шариф.

— Фирт бекорчи, ўзинг-чи?

— Эртага учрашайлик, иш бор.

— Майли.

Эртасига Валишер қандай ишлигини билиш мақсадида кечаси соат 22 ларда Шарифникига равона бўлди. Эшикни Нилуфар очди-ю, бир нарсани сезгандек:

— Шариф акам йўқ, — деб эшикни ёлди.

Ичкаридан хотин кишининг шангилагани эшитилди. Бироздан сўнг кайфияти бузилган ҳолда Шариф чиқиб келди.

— Нима гап? — сўради Валишер.

— Кўрмайсаним, хотиним ёнингга чиқимига қаршилик қиляпти. Яна бир балони бошламаган дейди. Негадир сени кўрганга кўзи йўқ.

— Биламан. Аммо гап ҳозир бунда эмас. Мўлжаллаган

ЖАҲОЛАТ

Атрофини қоронғулик босган. Икки шарпа — Шариф билан Валишер олдиндан келишиб қўйилган жойга етиб келишди. Валишер бир сакрашда темир деворнинг юқори қисмидан ўшлаб, нариги томонга сирғалиб тушди. Ортдан Шариф эргашди. Улар зудлик билан жанжом ичига яшириниб олишди. Бу пайтда ит дарвоза ёнида турган кимса билан овора эди. Галина опа эшикни очиб, уни йўқловчи кимсанинг сўзларини тинглаб турган маҳали икки қароқчи ўзларини уй ичига олишди.

Орадан икки-уч дақиқа ўтди-ю, уй эгаси тилла занжирни сиқимлаб уйга яқинлашди. Остонадан ҳатлади-ю, Шарифга кўзи тушиб, қараёт бўлиб қолди. Шариф мушукдек сакраб, унинг ёнида пайдо бўлди. Кейин кампирнинг бақариб юборишидан қўчиб, уни бўға бошлади. Валишер ҳам қараб турмай жажолатда типирчилаётган аёлнинг бошига тегишди. Шу пайт Шарифнинг кўзи пастак стол устида турган пичоққа тушди. У кампирни бўғиб турган ҳолда пичоқни олди-ю, бўйнига икки-уч марта санчди... Тинчиб қолган диван устидаги чойшабни мурда устига ёлди. Валишер эса ичкари уйга кириб, қора сумкадаги 60.000 сўмни киссасига яширишга улгурди.

Бу пайтда кўча томондан одамларнинг бақир-чақирини эшитилар, ит тинимсиз хурарди...

ЯКУН

Яқинда жиноят ишлари бўйича Андижон вилоят судида ушбу иш атрофида қўрилди. Судия Шерзоод Қўзиев раислигида бўлиб ўтган суд мажлисида қотилларнинг қилмиши тўлалигича фош этилди. Валишер Комиллов 18 йилга, Шариф Акрамов эса 17 йилга озодликдан маҳрум этилди.

Дилмурод ҚОБУЛОВ,
Асака шаҳар прокурорининг ёрдамчиси.
Абдулахад ЎРМОҲОВ,
журналист

Ғ.ЭГАМБЕРДИЕВ,
Фурқат туман прокуратураси терговчиси



Украина президенти Виктор Ющенко демографик сиёсатнинг устувор йўналишларини белгилаб берди. Утган шанба радио орқали қилган муурожаатида Ющенко мамлакатдаги демографик вазиятнинг қониқарсиз аҳволи, аҳолининг умр кўриш даражаси пастлиги ҳақида гапириб, уларни бартараф этиш бораси-

Демографик сиёсат

даги бешта асосий йўналиш хусусида фикр алмашди. Булар Украина соғлиқни сақлаш соҳасини ислоҳ этиш, ёш оилаларга оёққа туриб олиш учун давлат томонидан имтиёзли кредитлар ажратиш, меҳнат шароитини яхшилаш ва ишлаб чиқаришда хавфсизлик чораларини такомиллаштириш, озиқ-овқат маҳсулотлари ва сунинг сифати устувида давлат назоратини кўнатириш ҳамда спортни ривожлантиришдир. Виктор Ющенко ўз нутқида мамлакат аҳолисида тамаки ва алкоголь маҳсулотларини истеъмол қилишдан чекланишни илтимос қилди.



Тошқин дарёлар

Грузиянинг шарқий ва марказий ҳудудлари табиий офатдан азият чекмоқда. Суррункали ёмғир ёғиши натижасида мазкур минтақадаги дарёлар сатхи кўтарилиб,

тошқин юзага келган. «Новости-Грузия» ахборот агентлигининг хабар беришича, офат оқибатида икки киши ҳалок бўлган, юзлаб одамлар бошпанасиз қолган. Мазкур ҳудудларда минглаб гектар экинзорлар, кўплаб автомобил йўллари сув остида қолиб кетган. Табиий офат рўй берган ҳудудга мамлакат бош вазири Зураб Ногаидели етиб келди. Ушбу ҳудуд маъмурияти томонидан офат оқибатларини бартараф этиш гуруҳи тузилган бўлиб, ҳозир бу борада қатор ишлар амалга оширилмоқда.



Вақт ҳакам

Буюкбритания бош вазири Тони Блэр 2007 йилнинг ёзига келиб, истеъфога чиқишни режалаштирмоқда дея хабар беради «Independent» нашри. Тони Блэр ўз қарори хусусида Вазирлар кенгашининг айрим аъзолари билан кўришган. Бироқ, бош вазир ҳозирча расман баёнот беришга ошқинмапти. Унинг фикрича, олдиндан бундай баёнот берилиши ҳукумат ишига салбий таъсир кўрсатиши мумкин. Лекин, Тони Блэр ўз фикрининг ўзгарувчанлиги билан танилган. Эслатиб ўтиш жоизки, у аввалроқ икки марта истеъфога чиқиш борасидаги қарорини ўзгаришган. Бу сафаргиси ҳам сўнгииси деб ҳеч ким қарор бера олмайди. Маълумки, Тони Блэр парламентадаги лейбористлар партияси етакчиси. Хабарларда айтилишича, Блэр истеъфога чиққач, партиядаги унинг ўрнини ҳозир Буюкбритания молния вазири лавозимида фаолият кўрсатаётган Гордон Браун эгаллаши мумкин.



Аввал иқтисод...

Биринчи жаҳон уруши вақтида Туркия бир ярим миллионга яқин арманларни қириб юборганликда айбланмоқда. Арманларнинг аксарияти ўша вақтдаги Усмонли турклар империяси томонидан бошқа жойларга кўчирилши пайтда қурбон бўлган. Турклар бу ҳолатни ўшанда рус армияси ҳужум қилиши натижасида амалга оширишга мажбур бўлганлиги билан изоҳламоқда. Бироқ, Европа давлатлари бу ҳолатга геноцид деб баҳо берди. Франция парламенти ҳолатни геноцид деб тан олмаслик учун жиноий жавобгарликни жорий этиш масаласини муҳокама қилмапти. Шу боис Туркия бош вазири Режп Эрдоган агарда Франция парламенти бундай қарорни қабул қилса, Францияга нисбатан савдо санкциялари жорий этилишини маълум қилди. Франция Турк иқтисодийнинг энг йирик инвесторларидан биридир. Агарда Туркия томонидан санкциялар жорий этилса, бу ҳолат кўпгина француз ишбилармонлари учун салбий таъсир кўрсатиши мумкин. Франция 2001 йили ўша пайтдаги туркларнинг арманларни қириб ташлашини геноцид деб расман тан олган эди. Бунга жавобан Туркия Францияда ишлаб чиқарилган маҳсулотларга бойкот эълон қилган. Туркия ҳудудида амалга оширилши режалаштирилган қатор лойиҳаларда Франция компанияларининг иштироки тўхтатилган, дея хабар беради «AFP» ахборот агентлиги.

КЕСКИН ВАЗИЯТ

Яқин Шарқдаги вазият ҳамон кескинлигича қолмоқда. «Haaretz» нашрида ёзилишича, Исроил ҳарбийлари томонидан Женинда амалга оширилган ҳарбий рейд натижасида Фаластин разведкаси офицери Али Жабарин ўлдирилган. Хабарларда айтилишича, Исроил ҳарбийлари Фаластин разведкасининг Жениндаги бош қароргоҳини қуршаб олишган ва бироздан сўнг томонлар ўртасида отишма рўй берган. Шу турдаги бошқа рейд натижасида Исроил ҳарбийлари Фаластин фуқароси ўлдирилди. Иккала ҳолатга изох берган Исроил ҳарбий қўмондонини ҳалок бўлган икки фаластинлик террористик ҳаракатларини содир этганлиги учун қидирувда бўлганини маълум қилди. Бироқ, Фаластин томони исроилликларнинг бу ҳаракатларини кескин танқид остига олиб, бу турдаги ҳарбий опе-



рациялар Исроил-Фаластин ўртасидаги муносабатини янада кескинлаштиришини таъкидлаб ўтди.

Қамоқхоналар назоратга

Бразилиянинг Сан-Паулу штатида полиция ва жиноий гуруҳ жангарилари ўртасида рўй берган отишмаларда 52 киши ҳалок бўлди. 12 май куни бир гуруҳ маҳкумлар ўта хавфли деб ҳисобланиб, қаттиқроқ назорат жорий этилган қамоқхонага ўтказилган. Бундан уларнинг озодликдаги ҳамтоволари норози бўлиб, штатнинг турли жойларидаги полиция участкаларига ҳужум қилганлар. «AFP» ахборот агентлигининг маълум қилишича, утган дам олиш кунлари рўй берган отишмаларда 35 нафар полиция офицери ва криминал гуруҳларнинг 14 та жангариси ва 3 нафар тинч аҳоли вакили ўлдирилган. Штат бўйича полициячиларга қарата жами 100 та босқинчилик амалга оширилган. Сан-Паулуда жойлашган 18 та қамоқхонада тартибсизликлар вужудга келган. Маълумотларда айтилишича, исён кўтарган маҳкумлар маъмуриятдан жами 250 кишини гаровга олган. Айни дамда мазкур ҳолатни бартараф этиш чораси кўрилмақда. Тартибсизликлар юзага келган ҳудудлар миллий гвардия ва ҳуқуқ-тартибот органлари томонидан қаттиқ назорат қилинапти. Исён кўтарилган қамоқхоналар ҳарбийлар томонидан қуршаб олинган. Сан-Паулу ҳуқуқ-тартибот органлари вакилларининг таъкидлашича, тартибсизлик ва исёнлар «Пойтахтнинг биринчи қўмондонлиги» номли йирик жиноий гуруҳ томонидан уюштирилган.

Жанубий Корея пойтахти Сеул кўчаларида АҚШ ҳукуматининг қарорига нисбатан норозилик намойишлари бўлиб ўтди. «Los Angeles Times» газетасида ёзилишича, намойиш АҚШ Жанубий Кореядаги ўз ҳарбий базаларини Сеулдан жануброқдаги ҳудудга кўчиришга қарор қилганидан сўнг уюштирилган. Таъкидлаш жоизки, мазкур қарорга кўра, АҚШ ҳарбий базалари кўчирилётган ҳудудда жойлашган бир неча қишлоқлар бузиб ташланиб, уларнинг аҳолиси бошпанасиз қолиши, бир неча гектар шолӣ майдон пайҳон қилиниши мумкин. Маълумотларда қайд этилишича, олти минг киши иштирок этган намойиш Сеулнинг марказий кўчаларида, АҚШ элчихонаси олдида ва Сеул жинидаги АҚШ ҳарбий базаси ёнида ўтказилган. Намойишчилар АҚШ ҳарбийларидан Жанубий Кореяни тарк этишни талаб қилишган. Полиция ва намойишчилар ўртасида рўй берган тўқнашувда кўплаб кишилар жароҳатланган, 20 нафари эса ҳибса олинган.

Норозилик

Европа Иттифоқи Беларус президенти Александр Лукашенко ҳамда 30 нафар юқори лавозимли давлат арбобларининг Европа давлатлари банкларидаги ҳисоб-рақамларини музлатишни режалаштирмоқда. «Financial Times» нашрининг маълум қилишича, мазкур масала Европа Иттифоқига аъзо давлатлар ташқи ишлар вазирларининг душанба кунги йиғилишида атрофлича муҳокама қилинди. Бироқ, мазкур қарорга келинганлиги борасида баёнот берилиши айрим тевхик сабабларга кўра бир мунча вақтга чўзилши мумкин. Чунки, ушбу қарор Европа Иттифоқига аъзо давлатларнинг аксарияти томонидан маъқулланиши ва уларнинг давлат тилларига таржима қилиниши лозим. Эслатиб ўтамиз, жорий йилнинг апрел ойида Лукашенко ва яна 30 нафар Беларус амалдорлари Европа Иттифоқига аъзо давлатларда «персона нон-грата» деб эълон қилинган эди. Таъкидлаш жоизки, шу йўл билан Европа Иттифоқи Беларусда ўтказилган президентлик сайлови натижаларини бекор қилишни талаб қилмоқда. Уларнинг фикрича, сайлов ҳалқаро демократик тамойилларга эид равишда ўтказилган. Шунингдек, улар Беларус ҳукуматининг муҳолифатчиларга нисбатан юриётган сиёсатини кескин танқид остига олдилар.



Европа Иттифоқи Беларус президенти Александр Лукашенко ҳамда 30 нафар юқори лавозимли давлат арбобларининг Европа давлатлари банкларидаги ҳисоб-рақамларини музлатишни режалаштирмоқда. «Financial Times» нашрининг маълум қилишича, мазкур масала Европа Иттифоқига аъзо давлатлар ташқи ишлар вазирларининг душанба кунги йиғилишида атрофлича муҳокама қилинди. Бироқ, мазкур қарорга келинганлиги борасида баёнот берилиши айрим тевхик сабабларга кўра бир мунча вақтга чўзилши мумкин. Чунки, ушбу қарор Европа Иттифоқига аъзо давлатларнинг аксарияти томонидан маъқулланиши ва уларнинг давлат тилларига таржима қилиниши лозим. Эслатиб ўтамиз, жорий йилнинг апрел ойида Лукашенко ва яна 30 нафар Беларус амалдорлари Европа Иттифоқига аъзо давлатларда «персона нон-грата» деб эълон қилинган эди. Таъкидлаш жоизки, шу йўл билан Европа Иттифоқи Беларусда ўтказилган президентлик сайлови натижаларини бекор қилишни талаб қилмоқда. Уларнинг фикрича, сайлов ҳалқаро демократик тамойилларга эид равишда ўтказилган. Шунингдек, улар Беларус ҳукуматининг муҳолифатчиларга нисбатан юриётган сиёсатини кескин танқид остига олдилар.

Боши қотган амалдорлар

Европа Иттифоқи Беларус президенти Александр Лукашенко ҳамда 30 нафар юқори лавозимли давлат арбобларининг Европа давлатлари банкларидаги ҳисоб-рақамларини музлатишни режалаштирмоқда. «Financial Times» нашрининг маълум қилишича, мазкур масала Европа Иттифоқига аъзо давлатлар ташқи ишлар вазирларининг душанба кунги йиғилишида атрофлича муҳокама қилинди. Бироқ, мазкур қарорга келинганлиги борасида баёнот берилиши айрим тевхик сабабларга кўра бир мунча вақтга чўзилши мумкин. Чунки, ушбу қарор Европа Иттифоқига аъзо давлатларнинг аксарияти томонидан маъқулланиши ва уларнинг давлат тилларига таржима қилиниши лозим. Эслатиб ўтамиз, жорий йилнинг апрел ойида Лукашенко ва яна 30 нафар Беларус амалдорлари Европа Иттифоқига аъзо давлатларда «персона нон-грата» деб эълон қилинган эди. Таъкидлаш жоизки, шу йўл билан Европа Иттифоқи Беларусда ўтказилган президентлик сайлови натижаларини бекор қилишни талаб қилмоқда. Уларнинг фикрича, сайлов ҳалқаро демократик тамойилларга эид равишда ўтказилган. Шунингдек, улар Беларус ҳукуматининг муҳолифатчиларга нисбатан юриётган сиёсатини кескин танқид остига олдилар.

Ўтганларнинг охирати обод бўлсин!

Республика Бош прокуратураси ҳузурдаги солиқ, валютага оид жиноятларга ва жиноий фаолиятдан олинган даромадларни легаллаштиришга қарши кураш департаменти Тошкент вилоят бошқармаси жамоаси Чирчиқ шаҳар бўлими инспектори Салоҳиддин САИДОВнинг бевақт вафот этгани муносабати билан марҳумнинг оила аъзоларига чуқур ҳамдардлик билдиради.

Фаргона вилоят прокуратураси жамоаси прокуратура фахрийси Нўмон МИРЗАЕВнинг вафот этгани муносабати билан марҳумнинг оила аъзоларига чуқур таъзия изҳор қилади.

Тошкент вилоят прокуратураси жамоаси бўлим бошлиғи Раҳим ҚУРБОНҚУЛОВнинг бевақт вафот этгани муносабати билан марҳумнинг оила аъзоларига чуқур таъзия изҳор қилади.

80 ёшли президент

Жоржо Наполитано Италия сенати томонидан янги президент этиб сайланди. Унинг номзоди парламент сайловларида галаба қозонган Романо Проди раҳбарлигидаги сўлценстрик коалиция томонидан илгари сурилган. Италия президенти парламентнинг икки палатаси ва ҳудудлар вакиллари йиғилиши томонидан овоз бериш орқали сайланди. Наполитанонинг номзоди сайловларнинг дастлабки уч босқичида етарли овоз йиға олмаган. Тўртинчи босқичда эса Сильвио Берлускони бошчилигидаги муҳолифатчи ўнценстрик коалиция тарафдорлари норозилик белгиси сифатида сайлов урналарига бўш бланкаларни ташлашган. Берлускони тарафдорлари президентликка ҳукумат тепасидаги партия вакили келишига норози бўлганлар. Эндликда, Италия ҳукуматининг деярли барча аъзолари, президентдан тортиб вазирларгача Италия бош вазири Романо Проди раҳбарлигидаги сўлценстрик партия вакилларидан иборатдир, дея хабар беради «Reuters» ахборот агентлиги.



Ўрмонга ўт кетди

Душанба куни Россиянинг Приморье ва Амурск вилоятларида фавқулодда вазият жорий этилди. Гап шундаки, мазкур вилоятларнинг бир қатор туманларидаги ўрмонларда ёнғин тўхтамапти. Россия фавқулодда вазиятлар вазирлигининг Узоқшарқ минтақавий марказидаги вакилларининг ахборотига кўра, жами 72 миң гектар майдонда 29 та ёнғин рўй берган. Вилоятлар губернаторларининг қарорига биноан ўрмонларга кириш манқиланган. Ўрмонга яқин жойларда, йўлларда милиция постлари қўрилган. Айни дамда ёнғинни бартараф этиш ва олдини олиш чоралари кўрилмақда. Мазкур тадбирларга минглаб одамлар жалб этилган деб хабар беради «РИА Новости» ахборот агентлиги.

